

**Лойиха-смета ишларини бажариш учун  
50- сонли ШАРТНОМА**

Нукус ш.

«5» апрел 2022 йил.

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи **Қорабалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК** номидан Низом асосида иш юритувчи директор **А.Сарсенбаев** ва бундан буён **Бажарувчи** деб аталувчи **“QQAVTOJOLJOYBAR”** масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрадиган директори **А.Орынгалиев** орқали қўйидаги шартномани туздилар:

**1.Шартнома предмети**

1.1. Буюртмачи топширади. Пудратчи эса **Қорабалпоғистон Республикаси Чимбой тумани Дослық МФЙ Пушкин, Алпысбаев,Наурыз, Дослық кўчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муаллифлик назаротини олиб боришини ўз зиммасига олади.**

Буюртмачи: молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома смета хужжатларини бажариш билан боғлиқ ишларга тузилган.

1.3.Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

**2.Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари**

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси **15% ККС билан 11 050 000 (ун бир миллион эллик минг)** сўмни ташкил қиласди.

2.2. Буюртмачи шартномани Ғазначиликдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 15 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳак тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

**3. Томонлар мажбуриятлари**

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вактида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вақтида ўтказилмаган холда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечикирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган қўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган холда Бажарувчи бухгалтерия хисоб-китобларини ўзаро солишириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги хисоб-рақамларидан инкассо талабномаси қўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган хисобот хужжатлари топшириш-қабул килиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва кабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган ҳисобот хужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни кабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва кабул қилиш далолатномасини ёки ишларни кабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилған кундан бошлаб 10 күн муддат ичидә Бажарувчига камчиликлар күрсатылған ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул килингандык хисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул килиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига кайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган холда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган холда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофик эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофик ёки мувофик эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тухтагиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро хисоб-китоб килиш вақти хисобланади.

4.6. Лозим топилгандардын холларда томонлар холис эксперктарга Лойиха буйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## 5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал хисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни химоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш максадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

#### **6. Енгіб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари**

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгіб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир оидан күп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бирі шартнома бекор қилинишини талаб килишга ҳақлидир.

## 7. Күшімча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, buatortmachi уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулокат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиха-смета хужжатларига давлат экспертиза хulosаси олиниб, ушоу давлат экспертиза хulosасига асосан шартнома бахоси қўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида уз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчى шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш хуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан холларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Нукус туманлараро иқтисодий судида хал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечикирилган хар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечикирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун холатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин колган маблағларни ушбу шартнома бўйича хисобга олишга ҳақли.

7.9. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Смета хужжатларини аниқлаш қайдномаси ва бажариш календар режаси (2- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (3-илова).

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

## 8. Томонларнинг манзили ва хисоб рақамлари

«Буюртмачи»

Қорақолпоғистон Республикаси  
“Минтақавий йўлларга буюртмачи  
хизмати” ДУК

Манзил: Нукус шахри,  
Хужайли гузори 16/1 уй.  
ш/р: 3045 2186 0354 0170 4512 9118 367  
ИНН: 207 255 036 ОКЭД: 71120  
Молия Вазирлиги газначилиги  
Р/с казн: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014  
ИНН 201122919



Директор

А.Сарсенбаев

*Юрмат* *Улайдар* *У. Рахимова*

«Бажарувчи»

“QQAVTOJOLJOYBAR” масъулияти  
чекланган жамияти

Нукус шаҳри, А. Дабилов кўчаси, 4-й  
Х/р: 20208000100314652001  
М/х : 22626000500314652001  
Нукус филиали «Капиталбанк» (АКБ)  
МФО: 01038 ИНН: 200 362 755  
ОКОНХ 66000  
ОКЭД: 71120



Директор

А.Орынгалиев



2022 йил “5” апрелдаги  
50-сонли шартномага 1- илова

## Шартнома баҳосини келишуви

### БАЁННОМАСИ

Биз куйида имзо куйувчилар: Қарақалпогистон Республикаси Чимбой тумани Дослык МФЙ Пушкин, Алпысбаев, Наурыз, Дослык күчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муаллифлик назаротини олиб бориш бўйича 2022 йил «5» апрелдаги 50-сонли шартнома баҳоси 15% ҚҚС билан 11 050 000 (ун бир миллион эллик минг) сўмни ташкил килади.

Ушбу Баённома Буюртмачи ва Бажарувчи уртасида узаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

#### «БУЮРТМАЧИ»

Қарақалпогистон Республикаси  
“Минтақавий йўлларга буюртмачи  
хизмати” ДУК

Манзил: : Нукус шаҳри,

Хужайли гузори 16/1 уй

ш/р: 3045 2186 0354 0170 4512 9118 367

ИНН: 207255036 ОКЭД: 71120

Молия Вазирлиги газначилиги

Р/с казн: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш МФО 00014

ИНН 201122919



Директор

А. Сарсенбаев

#### «БАЖАРУВЧИ»

“QQAVTOJOLJOYBAR” масъулияти  
чекланган жамияти

Нукус шаҳри, А. Дабилов қўчаси, 4-уй

Х/р: 20208000100314652001

М/х : 22626000500314652001

Нукус филиали «Капиталбанк» (АКБ)

МФО: 01038 ИНН: 200 362 755

ОКОНХ 66000

ОКЭД: 71120



Директор

А. Орынгалиев



2022 йил 5 апрелдаги

№50-сонли шартномага 2-илова

**Смета хужжатларини аниқлаш қайдомаси ва бажариш календар режаси**

- I. Иш тури: Коракалпогистон Республикаси худудидаги мінтақавий йүлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш.
- II. Буюртмачи: “Коракалпогистон Республикаси Мінтақавий йүлларга буюртмачи хизматы” ДУК.
- III. Бажарувчи: “ QQAVTOJOLJOYBAR ” МЧЖ.

№	Объектлар номи ва манзили	Лойиха қувваты, км/пм	ҚМІ МИНГ.СҮМ	ЛСХ МИНГ.СҮМ	Бажариш муддати
1	2	3	4	5	6
1	Коракалпогистон Республикаси Чимбой тумани Дослық МФЙ Пушкин, Алпысбаев, Наурыз, Дослық күчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш	4,207		11 050,000	10 кун
	<b>ЖАМИ</b>			<b>11 050,000</b>	

Қайдома бўйича жами: 15% ҚҚС билан 11 050 000 (ун бир миллион эллик минг) сўм.

Лойихачи:

Буюртмачи томонидан келишилди:



2022 йил 5 апрелдаги №50-сонли шартномага 3-илова

Коракалпогистон Республикаси худудидаги мінтақавий йүлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш бўйича

**БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молияла штириш муддати
			муддати	қиймати	
1	2	3	4	5	2022 йил
1	Аванс тўлови 30%			3315,000	
1	Коракалпогистон Республикаси Чимбой тумани Дослық МФЙ Пушкин, Алпысбаев, Наурыз, Дослық күчаларини жорий таъмирлаш	11 050,000	2022 й апрель	7735,000	апрель
	<b>ЖАМИ</b>	<b>11 050,000</b>		<b>11 050,000</b>	



Бажарувчи



